

**IX-XII АСРЛАР АББОСИЙЛАР ХАЛИФАЛИГИ “ОЛТИН  
ДАВРИ” ТАРИХИЙ ШАРТ-ШАРОИТЛАРИ ВА АСЛ ЁКИ СОХТА  
“КОМИЛ ИНСОН” КОНЦЕПЦИЯЛАРИ**

**Иноят Сапарович ЭШПУЛАТОВ**

Мустақил изланувчи  
Бухоро давлат университети  
Бухоро, Ўзбекистон

**Аннотация**

Мазкур мақолада Шарқнинг буюк мутафаккирлари Фаробий, Ибн Сино, Ғаззолийлар ўз даврларида яратган “Комил инсон” тўғрисидаги қарашлари таҳлил этилган.

**Калит сўзлар:** Аббосийлар, комил инсон, Фаробий, Ибн Сино, Ғаззолий, Низом ул-мулк, Ҳасан Саббоҳ, Қуръон, Сунна, Ҳадис.

**ИСТОРИЧЕСКИЕ УСЛОВИЯ “ЗОЛОТОГО ВЕКА”  
АББАСИДСКОГО ХАЛИФАТА В IX-XII ВЕКАХ И “ФАЛЬШИВЫЕ” И  
«ОРИГИНАЛЬНЫЕ» КОНЦЕПЦИИ “СОВЕРШЕННОГО ЧЕЛОВЕКА”**

**Иноят Сапарович ЭШПУЛАТОВ**

Независимый исследователь  
Бухарский государственный университет

**Аннотация**

В данной статье проанализированы взгляды великих ученых Фараби, Ибн Сина и Газали, их концепции о совершенном человеке своей эпохи.

**Ключевые слова:** Аббасиды, совершенный человек, Фараби, Ибн Сина, Газали, Низамулмулк, Хасан Сабах, Коран, хадис.

Мумтоз ўрта аср араб-муслмон жамияти, цивилизацияси гуллаб-яшнаган, барқ урган, IX-XI асрлардаги “Олтин даврда” умуминсоний эркинлик, бирдамлик қадриятлари, барча халқ, миллат, элат, динлар ҳамкорлиги, илм-фан, фалсафа, инсон ақли, иродаси, ишбилармонлиги аҳамият касб этди.

Даставвал, бундай сиёсий-мафкуравий эркинлик, қулай шароитлардан фойдаланиб, ўз таъсир доирасини кенгайтиришга эришган илк ислом халифалари даврида (660-750 йилларда асосан хорижийлар, қарматлар), кейинчалик, Муавийя халифалари даврида (754-870-йй.да) шийъалар, аббосийлар даъватчилари, тарғиботчилари, масалан, Абу Муслим ва бошқ.), Аббосийлар даврида (870-1258 йилларда, аввал аббосийлар

даъватчилари, кейинчалик эса, асосан, шийъа-зайдий-кайсоний, шийъа исмоилийлар, ботиний-таълимийлар) фаоллик кўрсатган ва уларнинг Охират кунигача яширин қоладиган “Масъум Имомлари” улар наздида, талқинларида “Комил Инсон” сиймосини ифодалар эди.

Форобий, Ибн Сино, Абу Ҳомид Ғаззолий, мумтоз ўрта аср араб-мусулмон давлати, жамияти, цивилизацияси ана шундай жуда катта диний, маънавий-мафкуравий тажовуз, таҳдидлари ёппасига кўтарилган – “ичдан заиф, ташқи кўринишига кўра эса, қудратли, зеби-зийнатга кўмилган”, нобарқарор вазиятда майдонга чиққан эдилар.

Халифалик давлати марказий минтақаларидаги мазкур диний-мафкуравий оқимлар, мазҳаблар, ғулучилар, расмий сунний ислом, шариат Калом мактаблари, тасаввуфнинг турли, сон-саноксиз оқим, мактаб ва буюк шахсиятлари тарафдорларининг ҳар бири ўз “Масъум Имоми”, Пири-Муршидларини, Машшаййунлар ва Табииййунлар оқимлари ўз дарғалари, уларнинг номлари ва аъмолларини “Комил инсон”ликнинг олий намоён этилиши, исботи деб билар эдилар. Ва тамомила тасодифий эмаски, Форобий, Ибн Сино, Ибн Мискавайхларнинг “Комил Инсон” концепцияларига жавобан, уларга рақобатан, айни шийъа-исмоилийлар, Ботиний-Таълимийлар орасида том маънодаги “Ал-Инсани Камил” китоби, таълимотини Абу Бакр Абдулкарим ал-Жилий каби буюк маърифатпарвар инсон илк бора ёзган, илмий тадқиқ этиш изланишларга асос солган эди.

Демак, ана шундай, эзгу орзу-умидларнинг яна бир ажабтовур қуриниши исломдаги шийъа оқими, ундаги энг ашаддий бидъат мазҳаблар – қарматлар, Хубубийлар, исмоилий “Иснаа ал-ашъариййа”, “Даъвати жадида” даври исмоилийлари VIII-IX асрлардан бошлаб “Яширинган” деб қараладиган ва Охират арафасида Ер юзига қайтиб тушиб, инсонийлик, адл-инсоф, қонунчиликни ўрнатадиган, худо ҳақиқатини қарор топтиришга йўл бошчилик қиладиган “Масъум Имомлар”, уларга гўё Оллоҳ Таоло ато этадиган Комиллик илми берилганлиги каби ақидаларни илгари сурган эдилар. Улар, нафақат “Ал-Инсани Камил”, яъни, “Комил инсон” ҳақидаги

тугал концепцияни (Абдулкарим ал-Жилий (Ҳиллий) яратган, балки улар Ер юзида Жаннат ва Дўзах, Малоика, Фаришталарни пайдо қилиб, инсонни комилликка етаклашларини “исботлаб кўрсатиш” даъволарида бўлган эдилар.

Ривоятларга кўра, улар орасида Ғаззолийнинг Умар Ҳайём билан бир каторда илк дўстлашган, аммо кейинчалик “маслакий юз кўрмас” бўлиб, ажралишиб кетган Шайх ул Жабол Ҳасан ас-Саббоҳ ал-Ҳимйорий яратган шийъа-исмоилийларнинг “Янги даъвати жадида” таълимоти ғоялари, ақидалари ва амалиёти энг қатъий, кенг кўламли ва ислом, шариатга ўлим зарбасини бериш ҳозирю-нозирлиги билан ажралиб турар эди.

Шу боисдан, биз, таниқли турк тадқиқотчиси Профессор, Доктор Э.Б.Сафоли томонидан эълон қилинган “Маликшоҳ Жаннатий ва Ботиний Шайх Ҳасан ас-Саббоҳ мужодаласи” (Мазкур муаллиф: “Мазҳаблар ва тариқатлар тарихи”, турк тилида) ёзишмасини илм аҳллари ва кенг жамоатчилик диққатига ўзбекчалаштириб, баъзи табдил, шарҳ ва изоҳлар билан ҳавола қилишни маъқул кўрдик [1].

Мазкур ёзишма, XI асрда расмий мусулмон дини, давлати билан исмоилийлар ҳаракати ўртасидаги ғоявий-сиёсий муносабатларнинг бурилиш даври – Ҳасан ас-Саббоҳ (1124-в.э.) томонидан “Янги чақириқ” (“Даъвати жадида”) эълон қилиниши Ўрта Осиё, Эрон тоғларидан то Ироқ, Шом, Лубнон тоғларигача бўлган жойларда исмоилийларнинг “тоғлар силсиласидаги қалъа-давлатлари”ни қуришга киришганлигининг ижтимоий-сиёсий, ғоявий-диний ва ахлоқий мотивлари Маликшоҳ ва Ҳасан ас-Саббоҳнинг ўз сўзлари орқали акс эттирилган.

Э.Б.Сафоли ёзишманинг қачон, қаерда, қайси тилда ёзилганлиги ва қайси манбадан олинганлигини ёзмаган. Ёзишмада Низом ул-Мулкнинг (Салжукларнинг машҳур вазир, 1092 йилда исмоилийлар юборган фидоий томонидан ўлдирилган) тирик шахс сифатида эсланишига қараганда, ёзишма 1091 йиллар атрофида (чунки ас-Саббах 1090 йилда Аламутни қўлга киритган) бўлиб ўтган. Аш-Шаҳристониининг (1153 в.э.) “Динлар ва

уларнинг шаҳобчалари ҳақида Китоб” (“Китоб ал-милал ва-н-нихал”)ида Ҳасан ас-Саббоҳ ўз “Чақириқларини (“Даъватларини”) “...форс тилида ёзган эди, мен эса, уларни арабчага таржима қилдим...” деганига қараганда, қуйида келтириладиган ёзишманинг асл матни ҳам форсча бўлган бўлиши керак. Шунини таъкидлаб ўтиш зарурки, Ҳасан ас-Саббоҳ бу ёзишмага ўхшаш ёзишмавий мужодалаларни ўша даврнинг кўпгина подшолари, вазирлари, олим ва фозиллари билан (масалан, Салжуқийлар Садри Аъзами Бош Вазир) Кундурий, Имом Абу Ҳомид Ғаззолий, Фотимийлар амирининг номидан вазир Маъмун Батохий томонидан юборилган ёзишмага жавоб хатлари маълум. Аслида исмоилийлар анъанасида “Даъват”лар кўпинча Бош даъватчилар (“Даъий-ад-Дуъат”) томонидан юборилган бўлса ҳам, Ҳасан ас-Саббоҳ даврига келиб исмоилийлар ўз давлатларини тузиб, реал сиёсий кучга айланганликларининг оқибати бўлса керакки, ас-Саббоҳга Маликшоҳ, фотимий Амир Маъмун ва бошқалар ўзлари хат билан мурожаат қилиб, мужодалага киришишга мажбур бўлганлар.

Салжуқ султони Маликшоҳ янги бир диний тариқат ва давлат тузганлиги юзасидан Ҳасан ас-Саббоҳга қуйидаги мактубни юборди: *“Соний ҳумоюнумизга эга бўлганганлигимиз вазҳидан Ҳасан ас-Саббоҳ билсинки – сен ўртага янги бир дин ва миллатни илгари суриб, инсонларни алдамоқдасан ва замоннинг подшоҳига исён ниятидасан. Жоҳил тоғликларни тўплаб олиб уларнинг табиатларига маъқул келувчи мулойим сўзларни топиб, уларни ҳар истаган кимсани пичоқлашга ҳозирламоқдасан! Мамлакат ва миллатнинг қуввати, дин ва давлатнинг қонунларига мустаҳиқ бўлган уламои и-ислом ҳақида таъналар қиласан! Бу даъволарни тарк этиб, мусулмон бўлмогинг лозимдир! Йўқ десанг устингга ёпирилишга тайёр буюк бир қўшин ҳозирдир! Қаршилик қиламан, деб зинҳор ўзингни балолар ўртасига отмайсан ва ўз жонингга, тоғликларинг жонига ачинасан! Бу қўлингдаги қалъанинг мустаҳкамлигига мағрур бўлиб ҳам юрмагин. Ва ҳақиқатан билгинки, Аламут қалъасининг буржлари Осмон буржларига тенг бўлганда ҳам Оллоҳнинг инояти, Ҳақ туфайли яксон қиламан!”* Султон Маликшоҳ.

Ботиний шайх Ҳасан ас-Саббоҳ ҳам шу жавобни қайтарди: *“Ижроия адолат ва рағбатпарварликда Султон жаҳонгирнинг айёми ҳаёти узайсин! Аламут қалъасидаги сокин манзилга даргоҳи султониядан қуйидаги хабар юборилиб, унда шундай дейилади: (юқоридаги Маликшоҳ хати айнан такрорланади). Улуғ Садир Зиё-уд-Дин Хоқон бу ерга келиб, бу султон ҳукмини бизга етказган замон, пойқадамларига таъзим қилиб, султон ҳукмини кўзимнинг ўнгига қўйдим. Ва Султоннинг бу бандаи каминани ёдга олганликларидан ифтиҳоран бошим осмонга етди...”* [1; 339-400].

Мужодала жуда муфассал бўлганлигидан, биз уни ўз баёнимизда берамиз. Ас-Саббоҳ, Маликшоҳни, мен ҳеч қандай янги дин ёки миллат ўйлаб чиқараётганим йўқ деб, ишонтиришга уринади, ўзининг эътиқоди пайғамбар ва унинг давридаги соф ислом эътиқодидан келиб чиқиши, унинг ўзи исломни имом Шофеъий мазҳаби асосида ўзлаштиргани, ўзининг Қуръон, Сунна ва Ҳадисларни ўрганишдаги саъий-ғайратини таъкидлайди. Ас-Саббоҳ жавоби гарчи исмоилийлар тарғиботи йўналишида, яъни, ҳатто Маликшоҳни ҳам исмоилийларга ағдариб олишга қаратилган бўлса ҳам, бироқ, мужодала интиҳосида аксилсунний ва салжуқийларни фош этувчи памфлетга айланиб кетади.

Жавобининг биринчи қисмида ас-Саббоҳ расмий ислом, аббосий халифаларини адолат ва инсофдан юз ўгиришда, халифалик тахтини зўрлик билан тортиб олишда, мўъминларга қарши турли қабоҳат, жиноятлар қилишда – Абу Муслим Хуросоний (755)ни ўлдиришда, исломдаги ҳанафийя мазҳаби асосчиси машҳур Имоми Аъзам Абу Ҳанифа (696-767 й.)га нисбатан беҳурмат муносабатда бўлишида, машҳур Ориф Ҳусайн Мансур ал-Ҳалложни қатл қилишда (922-й.), аббосий халифаларининг баъзиларини шариатга ҳурматсизлик кўрсатишда айблайди. Ана шуларни баён қилгач, ас-Саббоҳ, – *“Мана сенга ҳулофойи рошидин диний жамоа қонунлари, дин ва давлатнинг қурувчилари, асосчилари деб атаган кимсаларнинг ҳоли аҳволи. Қани инсоф билан айт-чи, улар ҳақида ёмон*

*сўзлар сўзласам, уларга [қарши чиқсам, ҳақлиманми ё ҳақли эмасманми?!” [1; 339-400].*

Ас-Саббоҳ-жавоб-айбномасининг иккинчи қисми бевосита салжуқийларнинг ўзини, уларнинг улуғ вазири Низом-ул-Мулк бошчилигидаги маъмурий аппаратини танқид қилишга бағишланган. Ас-Саббоҳ Маликшоҳга, у худди унинг тўғрисида ҳар хил гапларни эшитганидек, у ҳам султон ғуломлари ва Низом-ул-Мулк кишилари Хуросон аҳли устидан зўрлик қилаётганлиги, мўъмин-мусулмонларнинг заифалари ва қизларига қўл узатаётганлиги, уларнинг эрлари ва оталарини ерга ураётганликлари, юртни бошқаришда адолатсизликларга йўл кўяётганликларини эшитганлигини ёзади. Халқнинг арзи додига ҳеч ким кулоқ солмайди, бу зўрлик, адолатсизлик ва инсофсизликларга юрак ютиб норозилик билдирган, адолат талаб қилганлар яна ҳам даҳшатли қийноқларга дучор қилинади [1; 403].

Кўриниб турибдики, ас-Саббоҳ расмий сунний ислом, аббосийлар ва салжуқийларни асосий диний ва ижтимоий-сиёсий масалалар бўйича танқид қилади. Давомида ас-Саббоҳ аббосийлар ва салжуқийлар даврида ҳукм сурган ижтимоий тартибларни танқид қилиб ва расмий ислом уларни оқлаётганлигини кўрсатиб, уларга қарши “ҳақиқий ислом” нуқтаи- назаридан қонуний тарзда кураш олиб бориш мумкинлигини асослашга уринади. Ас-Саббоҳ: “Халқ ва шариатнинг бундан (аббосийлар, салжуқийлар содир этаётган зулмдан – **диссертанг**) кутулишга ҳеч қандай умиди йўқ! Бироқ, ҳалифаликда бу зулмни тугатишга қодир бир киши чиқиб, зўравонлар зулмига чек қўйса, бу албатта, адолатли бўлади. Ҳалифаликка яхши бир инсон тайин бўлса, улар (аббосийлар, салжуқийлар)нинг ёмонликлари Оллоҳ бандалари орасидан арийди! Вассалом! Шайх-ул-Жабал Ҳасан ас-Саббоҳ 1134-ҳижрий. Рай-Аламут” [1; 339-404].

Шуни таъкидлаб ўтиш керакки, ас-Саббоҳнинг юқоридаги сўзлари ўша даврда тўхтовсиз давом этаётган аксилисломий, аббосийлар ва салжуқийларга қарши халқ кўзғолонлари учун инқилобий аҳамият касб этар

эди, сунний исломга, халифатга қарши очикдан-очик курулли кураш олиб боришга ундар эди. Матни келтирилган баҳс-мунозара ҳар икки томон: расмий ислом давлати, шариат бошлиғи ҳам Султон, ҳам Халифа ва ўша Ғаззолий ожиз, бенаво деб улар устидан кулган, диний-назарий баҳсларда осонгина мағлуб эта олган шийъа-исмоилийлар, Ботинийлар ва Таълимийлар, биринчи етакчилари (масалан, Ҳасан ас-Саббоҳнинг ўзи), бунинг устига энг муҳим ижтимоий-сиёсий, диний эътиқодда ким ҳақлиги борасида, ким золиму, ким мазолим, ким мўъмину, ким рибёкор ислом, шариат вакили эканлиги борасида бевосита мулоқотларда қандай даҳшатли кучга айланиб кетиши мумкинлиги аён бўлиб қолар эди, албатта.

Биз, ҳозирги замон одами учун, Ғаззолийнинг, нафақат юқорида санаб кўрсатилган шоҳ асарларида асослаб берилган илмий-фалсафий ва исломий, шаръий, ирфоний “Комил инсон” таълимотигина эмас, балки унинг бу концепцияни қандай яратганлиги, ўша буюк натижаларга, ўзининг ибратли, ички, шахсий дунёқараши, илмий ёндашиш усул, воситаларининг жуда кескин, шиддатли, пўртанадек ўзгара бошлаганлиги, бўрон-тўфондан кейин тинчланган муҳитнинг оҳиста милтираб мавжланганидек кўринувчи мутафаккир ҳаёти, дунёқараши, ижтимоий-сиёсий муҳитдаги маърифатга эришиб, осудалик, оғир-вазминлик, сабр-тоқат, риёзатларда ўз жонини Ҳаққа топширганлиги – “миннатдор бўлган жоннинг, ўз қисматига рози бўлгани ҳолда Оллоҳ Таоло ҳузурига” –“Лаббайка!” деб қайтиши, энг катта наъмуна, ибратдир.

Натижада, бугунги кунга келиб, нафақат кекса авлод, балки, у даврни деярли кўрмаган, тажрибасиз, кўп нарсага ақли етавермайдиган, манфаатпараст, истеъмолчиликка муккасидан кетган, ҳирсларини жиловлай олмайдиган, онгсиз “Хиппи” – манкуртлар каби масъулиятсиз ёшлардан юксак, олийжаноблик ҳислатларини талаб қилиш маъносиз, жуда қийин ишдир.

“Фалсафа тарихи” ихтисослиги жиҳатидан Ғаззолий энг аввало, ўзининг ишонган таянчи, паноҳи ҳисобланган расмий ислом, шариатнинг

назарий-методологик асоси, ҳимоячиси Калом таълимотининг тамомила тақлидга ва бузғунчи усулга (деструктив), буюк табиатшунос олим, мутафаккир (Табииййун)лар ақидалари тўғри бўлсада, уларнинг файласуфлар (Машшааиййун)лар ғаразли ва динга шак келтирувчи хулосалари таъсирида диний эътиқодни заифлаштирувчи мақсадларида фойдаланиш йўлларининг очилиб кетганлигини кўрсатиб берган эди.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, халқимиз маънавий устунлари, пойдевори бўлган азиз-авлиёларимиз, Пири-Муршидларимиз, олимларимиз маънавий-руҳоний сарвати шу қадар бой, улуғворки, улар бизга мерос қилиб қолдирган маънавият, қадриятлардан ўз ўрнида, самарали фойдаланишимиз имкониятлари ҳам етарли, қўлимиздадир. Ана шундай катта маънавий бойлигимиз, қадриятларимизнинг забардаст сиймоси, кўплаб жаҳонга машҳур ноёб асарлар муаллифлари, Форобий, Ибн Сино, Ғаззолий ҳазратлари, у зоти мубораклар ўз даврларида яратган “Комил инсон” концепцияси бизгача етиб келган. Халқимиз, ёшларимиз баҳтини қарангки, халқимиз бу зоти бобарокотлар таълифларини доимо ўқиб-ўрганиб, тарғиб-ташвиқ этиб келганидек, бугунги ёш авлод вакиллари ҳам бу мўъжизакор мерос, қадриятларимизга бефарқ эмас, катта қизиқиш билдирмоқда, таржима, нашрларни амалга оширмоқда.

### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Enver Behnan ŞAPOLYO. *Mezhepler ve Tarikatlar Tarihi. Istanbul: Elif Kitabevi, 2006. – 600 б.*